

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ВА БОЛАЛАР СТОМАТОЛОГИЯСИ
КАФЕДРАСИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ўқув ишлари проректори,
профессор К.Н.Хаитов**

«_____» _____ 2018 й

Таълим соҳаси – 510000 – “Соғлиқни сақлаш”

Таълим йўналиши – 5111000 – “Касбий таълим”

5510100 – “Даволаш иши”

3.34 СТОМАТОЛОГИЯ ФАНИНИНГ

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

V КУРС

Ассистент Махкамова Ф.Т.

Умумий ўқув юклараси - 54

Шу ҳисобда:

Маърузалар - 4

Амалий машғулот - 32 (IX-X семестр)

Мустақил иш - 18

ТОШКЕНТ – 2018

Фаннинг ўқув услубий мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 201__йил “__” ____даги ____-сонли буйруғи билан (буйруғининг _____ иловаси) тасдиқланган “Болалар стоматологияси“ фани дастури асосида тайерланган.

Фаннинг ўқув услубий мажмуаси Тошкент педиатрия тиббиет институти Марказий услубий кенгашнинг 2018 йил “22” 06 даги “_10_”-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Тузувчилар:

Махкамова Ф.Т.-ТошПТИ, ”Оториноларингология, болалар оториноларингологияси ва стоматологияси” кафедраси тиббиет фанлари номзоди, ассистент

Такризчилар:

Бабаханов Г.К.-ТошПТИ, ”Оториноларингология, болалар оториноларингологияси ва стоматологияси” кафедраси тиббиет фанлари номзоди, доцент

Агзамова Н.В.-ТошПТИ, “Клиник фармакология” кафедраси мудири, тиббиет фанлари номзоди, доцент

ТошПТИ I-Педиатрия
факультет декани

2018 йил “__” _____ Агзамходжаев
Т.С.

”Оториноларингология, болалар оториноларингологияси ва стоматологияси” кафедраси мудири, профессор

2018 йил “__” _____ Омонов Ш.Э.

”Ўқув услубий бўлим бошлиғи, доцент

2018 йил “__” _____ Агзамова Н.В

2018-2019 ўқув йилида Стоматология фанининг ўқув услубий мажмуасига янги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

“Касбий таълим йўналиши” – 5110100 йўналиши (5510100 - Даволаши) бўйича 5 курс талабалари учун Стоматология фанидан ўқув услубий мажмуаси структураси ўзгартириш киритилди, машгулот хронокартаси, такомиллаштирилди.

Мундарижа:

Амалий машғулотлар тематик режаси _____	5.
Хронокарта _____	6.
Машғулот №1_____	8.
Машғулот №2_____	15.
Машғулот №3_____	22.
Машғулот №4_____	29.
Машғулот №5_____	36.
Машғулот №6_____	43.
Якуний баҳолаш меъзонлари _____	50.
Талабалар билимини Стоматология фанидан рейтинг тизимида назорат қилиш ва баҳолаш _____	51.
Глоссарий_____	52
Адабиётлар руйхати _____	53

2018-2019 ўқув йили
Стоматология фанидан маърузалар тематик режаси
5111000 Касбий таълим 5-курс

№	Маъруза мавзулари	Соат
1	Стоматология фани ва унинг вазифалари. Унинг умумий амалиёт шифокорлари учун аҳамияти. Юз-жағ соҳасининг ёшга боғлиқ бўлган анатомик ва функционал хусусиятлари. Кариеснинг асоратлари (пульпит, периодонтит, лимфаденит, остеомиелит). Юз-жағ соҳасида патологик жараёнларнинг ривожланишида одонтоген ўчоқларнинг аҳамияти. Оғиз бўшлиғи санацияси. Кариеснинг профилактикаси.	2
2	Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари. Юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтиги. Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнлар. Юз-жағ соҳасининг ҳавфсиз ва ҳавфли ўсмалари, ўсмасимон ҳосилалар. Беморларни парвариш қилиш. Диспансер незоритининг аҳамияти.	2
	Жами	4

Стоматология фанидан амалий машғулотлар тематик режаси
5111000 Касбий таълим 5-курс 2018-2019 ўқув йили

№	Машғулот мавзулари	Соат
1	Юз-жағ соҳасининг анатомо-морфологик хусусиятлари. Стоматологик беморларни текшириш усуллари. Тиш касалликлари: кариес, пульпит, периодонтит. Тишларнинг нокариес касалликлари. Клиникаси, диагностикаси ва даволаш.	4
2	Одонтоген яллиғланиш жараёнлари: периостит, остеомиелит, абсцесс, флегмона. Лимфаденит. Сурункали инфекция ўчоқларининг яллиғланиш аҳамияти. Патогенез, клиникаси, диагностикаси, даволаш принциплари.	4
3	Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари. Клиникаси, диагностикаси, даволаш. Юз – жағ соҳасидаги туғма кемтиклар.	6
4	Юз-жағ соҳасидаги неодонтоген яллиғланиш касалликлари: фурункул, сарамас, куйдирги, нома. Клиникаси, диагностикаси ва даволаш. Юз-жағ соҳасидаги куйиш ва музлаш жараёнлари, уларни даволаш принциплари.	6
5	Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнлар: бурун синиши, жағларнинг синиши, ёноқ суяги синиши. Синиш жараёнидаги асоратлар ва уларнинг олдини олиш. Беморларни парваришlash ва овқатлантириш.	6

6	Юз-жағ соҳасидаги ўсмалар ва ўсмасимон ҳосилалар. Ҳавфсиз ва ҳавфли ўсмалар. Таснифи, эрта ташхислаш, клиникаси, даволаш. Диспансеризация ва профилактик кўрувнинг ўсма касалликларининг олдини олишдаги аҳамияти. ЯН.	6
	Жами	32

№1-2 машғулотларнинг хронологик харитаси

№	Бажариладиган ишлар таркиби	Машғулот шакли	Давомийлиги
1.	Маъруза	Ахборот, семинар, бахс-мунозара	8.30-10.00
2.	Талабаларга машғулотни мақсад ва вазифаларни тушунтириш	Тушунтириш	10.00-10.15
3.	Уйга берилган топшириқни муҳокама қилиш Беморни қабулда ёки амбулаторияда кўриқдан ўтказиш.	Сўров, тушунтириш Бемор кўриги	10.15-11.50
4.	Танаффус		11.50-12.30
5.	Амалий кўникмаларни такомиллаштириш, муляжлар билан ишлаш, ТКФБВни тўлдириш, тест саволларини ечиш. Машғулотнинг амалий қисми бўйича муҳокама, интерактив ўйинлар, вазиятли масалалар ечиш.	Клиник-лаборатор анжомлар билан ишлаш	12.30-13.15
6	Танаффус		13.15-13.25
7.	Ушбу машғулот бўйича ўқитувчининг хулосаси, ҳар бир талаба фаолиятини 100 баллик тизим бўйича баҳолаш ва эълон қилиш. Кейинги дарсга тайёрланиш учун талабаларга вазифа бериш (саволлар тўплами)	Сўров, тушунтириш	13.25-14.10

№ 3- 6 машғулотларнинг хронологик харитаси

№	Машғулот босқичлари	Машғулот шакли	Давомийлиги
1.	Ўқитувчининг кириш сўзи (мавзуни асослаш)		8.30-8.40
2.	Уйга берилган топшириқни муҳокама қилиш	Сўров, тушунтириш	8.40-9.15
3.	Янги машғулотнинг мавзусини муҳокама қилиш.	Сўров, тушунтириш	9.15-10.00
4	Танаффус		10.00-10.15
5.	Амалий кўникмаларни такомиллаштириш, муляжлар, клиник-лаборатор анжомлар билан ишлаш, ТКФБВни тўлдириш, тест	Клиник-лаборатор анжомлар билан	10.15-11.00

	саволларини ечиш	ишлаш	
6.	Машғулотнинг амалий қисми бўйича муҳокама, интерактив ўйинлар, вазиятли масалалар ечиш	Сўров, тушунтириш	11.00-11.50
7.	Танафус		11.50-12.30
8	Беморни қабулда ёки амбулаторияда кўрикдан ўтказиш	Бемор кўриги	12.30-13.15
9	Танафус		13.15-13.25
10	Ушбу машғулот бўйича ўқитувчининг хулосаси, ҳар бир талаба фаолиятини 100 баллик тизим бўйича баҳолаш ва эълон қилиш. Кейинги дарсга тайёрланиш учун талабаларга вазифа бериш (саволлар тўплами)	Ахборот, мустақил тайёрланиш учун саволлар	13.25-14.10

Машғулот №1

Мавзу: Юз-жағ соҳасининг анатомо-физиологик хусусиятлари. Стоматологик беморларни текшириш усуллари. Тиш касалликлари: кариес, пульпит, периодонтит. Тишларнинг нокариес касалликлари. Клиникаси, диагностикаси, даволаш.

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Вақти – 6 соат	Талабалар сони: - нафар
Ўқув машғулотининг шакли:	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулот
Ўқув машғулотни режаси	1. Стоматологик ёрдамнинг мақсад ва вазифалари 2. Юз-жағ соҳасининг анатомо-физиологик хусусиятлари 3. Юз-жағ соҳасини текшириш асослари Асосий стоматологик касалликларнинг инсон организми учун аҳамияти 4.Кариес касаллигининг этиологияси, клиникаси, ташҳиси, даволаш ва профилактикаси 5.Беморни кўриш ва хулосалаш
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабага юз-жағ соҳасининг анатомо-физиологик хусусиятлари, беморларни текшириш усуллари ҳақида маълумот бериш, тиш касалликлари: кариес, пульпит, периодонтит, нокариес касалликлар билан таништириш.	
Педагогик вазифалар: мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; - ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; - гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш -стоматология фанининг предметини тушунтириш;	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - стоматология фанининг предметини изоҳлайди; -тиш-жағ соҳасининг анатомо-физиологик хусусиятларига таъриф беради; - Объектив ва субъектив анамнез йиғишни изоҳлайди; -Беморни текширув режасини тузади. -Стоматологик асбоблар билан беморни текширув усулини ўткази олишни намоён қилади. - Тишларни чиқиш вақтларини санаб

	беради ва изоҳлайди; -“Болалар стоматологияси” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқасини ва уни фанлар ичида тутган ўрнини тавсифлайди. -Кариес ва унинг яллиғланиш асоратларини изоҳлайди;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, мунозара,ручка стол ўртасида , блиц-сўров, баён қилиш, кластер, “ха-йўк” техникаси,ҳолатмасалаларини ечиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор,конспектлар, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоада, жуфтликда ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш	1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўтишни маълум қилади.	1.1.Мавзун и ёзади, саволларга жавоб беради.
2-босқич.	2.1. Мавзу бўйича топшириқларни тарқатади. 2.2. Саволлар бериб тингловчиларнинг билимларини фаоллаштиради. 2.2.“Ручка стол ўртасида” интерактив усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди: стоматология билан боғлиқ қандай терминларни биласиз? Уларнинг мазмунларини ҳам биласизми? Мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом	2.1.Саволларга жавоб берадилар. 2.2.Бир-бирларини тўлдирадилар.

	этишини эълон қилади.	
3-босқич. Асосий босқич	3.1. Беморни қабулда кўрикдан ўтказди. 3.2.Талабаларнинг амалий куникмаларини баҳолайди. Амалий куникмаларни бажаришда стоматологик асбоблардан фойдаланишни тавсия этади.	3.1.Саволларга жавоб берадилар. 3.2. Беморни текширув режасини тузади
4-босқич Муҳокам а	4.1. Талабаларни 4 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради. “Кластер” усулидан фойдаланишни тавсия этади. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади. 4.2. Гуруҳда ишлаш қондаси билан таништиради. Баҳолаш мезонларини ҳам намоиш қилади. Вазифани бажаришда ўқув материалларидан, клиник-лаборатор анжомлардан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. 4.3. Тайёргарликдан сунг такдимотни бошлашни эълон қилади. 4.5 Талабалар жавобини шархлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.	4.1. Ўқув натижаларини тақдим қиладилар. 4.2. Саволлар беради. 4.3.Такдимотни ўтказдилар, вазиятли масалалар, тест ечадилар. 4.5.Жавобларни тўлдиради.
5- босқич Якуний босқич	5.1. Машғулотга яқун ясайди, талабаларни баҳолайди, гуруҳда фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 5. 2.Мустақил иш сифатида «Стоматологияда қушимча текшириш усуллари» мавзуида тақдимот тайёрлашни вазифа қилиб беради. Гуруҳ фаолиятига умумий балл беради.	Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

2.Машғулот режаси:

1. Стоматологик ёрдамнинг мақсад ва вазифалари
2. Юз-жағ соҳасининг анатомио-физиологик хусусиятлари
3. Асосий стоматологик касалликлар: кариес, пульпит, периодонтит
4. Нокариес касалликлар
5. Асосий стоматологик касалликларнинг инсон организми учун аҳамияти.

3.Интерфаол усул

“Ручка стол ўртасида”

Гуруҳга “Кариес келтириб чиқарувчи сабабларни санаб ўтинг” мавзусида вазифа берилди. Ҳар бир талаба қоғозга ўз жавобини ёзади ва ёнидаги талабага узатади, ўз ручкасини стол ўртасига қўяди. Жавобларнинг ҳар бири муҳокама қилинади.


ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

КЛАСТЕР

График ташкил этувчилар ёрдамида стоматологик беморларни текшириш усуллари муаммосини ҳал этиш жараёнини “Кластер”-“Тугун” усулида ўтказиш. Талабада очиқ, эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Марказий катта доирада муаммо калит сўз- “Стоматологик беморларни текшириш усуллари” сўзи ёзилади ва ёндош кичик доираларда калит сўз муаммони ҳал этувчи ва у билан боғлиқ сўзлар ёзилади ва бирлаштирилади, ёндош доиралар ўз навбатида майда доиралардаги боғлиқ сўзлар билан бирлаштирилади.

Муаммони ҳал этиш ажратилган вақт давомида ва ҳамма ғоялар билдирилгунча давом этади.



4.Тестлар

1. Кариес ривожланишининг энг асосий омили нима?

- А) бактериал тиш караши
- Б) ширинликларни кўп истеъмол қилиш
- В) стоматологик ёрдамни қониқарсизлиги
- Г) организмга фторни кам тушиши
- Д) тиш қаторлари ва прикус аномалиялари

2. Кариес ривожланишининг асосий механизми бу:

- А) деминерализация
- Б) микроорганизмлар
- В) ўтказилган касалликлар
- Г) сувда фтор танқислиги
- Д) гигиена даражаси пастлиги

3. Кариесни даволашда умумий даво сифатида қўлланилади?

- А) ҳамма жавоблар тўғри
- Б) кальций ва фтор препаратлари
- В) фторидлар
- Г) витаминлар
- Д) иммуномодуляторлар

4. Кариеснинг асоратларини кўрсатинг:

- А) пульпит, периодонтит, периостит, остеомиелит
- Б) артрит, остеохондроз
- В) сиалoadенит
- Г) отит, лабиринтит
- Д) конъюнктивит

5. Бемор тишида хуружсимон тунги оғриқларга, иррадиация берувчи оғриқларга шикоят қилади. Бу ҳолат қайси касалликка хос?

- А) ўткир пульпит

- Б) ўрта кариес
- В) сурункали пульпит
- Г) периодонтит
- Д) остеомиелит

5. Ҳолат масалалари

Вазифа №1

Шифокор қабулида бўлажак она туғиладиган болада стоматологик касалликлар ривожланишида қандай хавфли омиллар (риск факторлари) бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот беринг.

Жавоб: ҳомиладорлик даврида токсикозлар ва бошқа касалликлар, сувда фтор миқдори пастлиги, генетик факторлар, овқатланишда гикар миқдори баландлиги, зарарли одатлар.

Вазифа №2

Шифокор қабулида 6 ёшли боланинг кўплаб тишларида кариес аниқланди. Шифокор сифатида сизнинг тавсиянгиз.

Жавоб: Оғиз бўшлиғида гигиена даражасини кўтариш, болани соғломлаштириш, риск факторларини бартараф қилиш, кариесни фторпрофилактикаси ўтказиш, ўз вақтида стоматолог қабулига келиш.

6. Назорат саволлари

1. Асосий стоматологик касалликларни санаб ўтинг.
2. Тиш кариеси қандай патология?
3. Кариесни юзага келтирувчи омилларни эслаб ўтинг.
4. Кариеснинг яллиғли асоратларини санаб ўтинг.
5. Кариеснинг деформатив асоратларини санаб ўтинг.
6. Кариес организм учун қандай хавф туғдириши мумкин.
7. Оғиз бўшлиғи гигиенасини яхшилаш чоралари қандай?
8. Гигиеник таълим – тарбияни тўғри йўлга қўйишда юзага келаётган муаммоларни келтириб ўтинг.
9. Тишларнинг нокариес касалликлари ҳақида нималарни биласиз?

7. КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАРИ, ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ, КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ

Кўргазмали воситалар, техник воситалар

Билимларни баҳолаш критерийлари

Балл	Баҳо	Талабани билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш стандартини билади. Даволаш режасини тўғри тузади. Тестларни тўғри

		ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради. Касаллик профилактикасини аниқ билади.
71-81	Яхши	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш стандартини билади. Даволаш препаратларини тўғри танлайди, лекин ўз фикрини тўлиқ тушунтиролмайди. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради.
55-70	Қониқарли	Касаллик ҳақида оқзаки маълумотга эга. Даволаш стандартини ёмон билади. Тестларда ва ТКФБВ да хатолар қилади.
0-54	Қониқарсиз	Мавзу бўйича маълумотга эга эмас. Тест ва ТКФБВ ни нотўғри ечади.

Машғулот №2

Мавзу: Одонтоген яллиғланиш жараёнлари: периостит, остеомиелит, абсцесс, флегмона. Лимфаденит. Сурункали инфекция ўчоқларининг яллиғланиш аҳамияти. Патогенез, клиникаси, диагностикаси, даволаш принциплари.

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Вақти – 6соат	Талабалар сони: - нафар
Ўқув машғулотининг шакли:	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулот
Ўқув машғулотни режаси	1.Одонтоген яллиғланиш жараёнлари (периостит, остеомиелит, абсцесс, флегмона, лимфаденит) клиник белгилари 2.Одонтоген яллиғланиш жараёнларида умумий амалиёт шифокорининг тактикаси
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга одонтоген яллиғланиш жараёнлари ҳақида тушунча бериш. .	
Педагогик вазифалар: -билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладлар тайёрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - билимларни тизимлаштириш, таққослаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш жараёнларни ташкил этиш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; -гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Одонтоген яллиғланиш касалликлари хусусиятларига, давоси ва профилактикасига таъриф беради; - Объектив ва субъектив анамнез йиғишни изоҳлайди; -Беморни текширув режасини тузади. -Стоматологик асбоблар билан беморни текширув усулини ўткази олишни намоён қилади. -Одонтоген яллиғланиш жараёнларида беморни тўғри йўналтириш тўғрисида аниқ билимга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат,

	мунозара, “Аквариум” усули, баён қилиш, кластер, “Венн диаграммаси”, ҳолат масалаларини ечиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, конспектлар, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоада, жуфтликда ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш	1.1. Мавзунинг мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Олинган билимларни текшириш мақсадида асосий тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказади	1.1.Эшитадилар, мавзунинг ёзадилар, саволларга жавоб берадилар ва аниқлаштирадилар..
2-босқич.	2.1. Мавзу бўйича топшириқларни тарқатади. 2.2. Саволлар бериб тингловчиларнинг билимларини фаоллаштирадиди. 2.3.“ Аквариум” интерактив усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди: 2.4. Дарс машғулоти гуруҳларда ишлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини эълон қилади. Гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади. Иш тартиби ва регламентни аниқлаштирадиди Мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади.	2.1.Саволларга жавоб берадилар. 2.2.Бир-бирларини тўлдиривдилар, фикрларини таҳлил қиладилар.

3-босқич. Асосий босқич	3.1. Беморни қабулда кўриқдан ўтказди. 3.2.Талабаларнинг амалий куникмаларини баҳолайди. Амалий куникмаларни бажаришда стоматологик асбоблардан фойдаланишни тавсия этади.	3.1.Саволларга жавоб берадилар. 3.2.Бемор куриги. Стоматологик асбоб билан ишлайди.
4-босқич Мухокома	4.1. Талабаларни 4 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради. “Венн диаграммаси ” усулидан фойдаланишни тавсия этади. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади. 4.2. Гуруҳда ишлаш қоидаси билан таништиради. Баҳолаш мезонларини ҳам намоиш қилади. Вазифани бажаришда ўқув материалларидан, клиник-лаборатор анжомлардан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. 4.3. Тайёргарликдан сунг такдимотни бошлашни эълон қилади. 4.4. Талабалар жавобини шархлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.	4.1. Ўқув натижаларини такдим қиладилар. 4.2. Саволлар беради. 4.3.Такдимотни утказадилар, вазиятли масалалар, тест ечадилар. 4.4.Жавобларни тўлдиради.
5-босқич Якуний босқич	5.1. Машғулотга якун ясайди, талабаларни баҳолайди, гуруҳда фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 5. 2.Мустақил иш сифатида «Кариесни замонавий даволаш усуллари» мавзуида такдимот тайёрлашни вазифа қилиб беради. Гуруҳ фаолиятига умумий балл беради.	Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

2.Машғулот режаси:

1. Одонтоген яллиғланиш жараёнлари (периостит, остеомиелит, абсцесс, флегмона, лимфаденит) клиник белгилари
2. Одонтоген яллиғланиш жараёнларида умумий амалиёт шифокорининг тактикаси

3. ИНТЕРАКТИВ МЕТОД

“Аквариум” усули

Гуруҳдан 3 талаба ажратилиб (“балиқлар”) аудитория марказидан ўрин олишади. Уларга вазифа берилади. Масалан, “Одонтоген яллиғланиш жараёнларида текшириш усуллари”. Балиқлар 10-15 минут давомида мавзунини таҳлил қилишади. Қолганлар – кузатувчилар уларни тўғри ва нотўғри жавобларини ва ўз фикрларини таҳлил қилишади. Энг яхши фикрли кузатувчи фикр билдирмаган балиқ билан жой алмашади.


ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Венн диаграммаси”

График ташкил этувчилар ёрдамида “Периодонтит,Периостит, Остеомиелит” муаммосининг ҳал этиш жараёнини “Венн диаграммаси” усулида ўтказиш. Талабада ижодий-аналитик, таҳлилий фикрлаш қобилиятининг ривожлантиради.

Периодонтит,Периостит, Остеомиелит муаммосида ўзига хос умумий ва фарқ қилувчи белгиларни анализ ва синтез қилиш, солиштириш.

Доиралар кесишган жойда муаммонинг умумий белгилари, кесишмаган жойда фарқланувчи, қарши белгилари ёзилади.



4.ТЕСТЛАР

1. Болаларда кариес ривожланишининг энг асосий омили нима?

- A. Бактериал тиш караши
- B. Ширинликларни кўп истеъмол қилиш
- C. Стоматологик ёрдамни қониқарсизлиги
- D. Организмга фторни кам тушиши
- E. Тиш қаторлари ва прикус аномалиялари

2. Кариес ривожланишининг асосий механизми бу:

- A. Деминерализация
- B. Микроорганизмлар
- C. Ўтказилган касалликлар
- D. Сувда фтор танқислиги
- E. Гигиена даражаси пастлиги

3. Кариесни даволашда умумий даво сифатида қўлланилади?

- A. Хамма жавоблар тўғри
- B. Кальций ва фтор препаратлари
- C. Фторидлар
- D. Витаминлар
- E. Иммуномодуляторлар

4. Кариеснинг асоратларини кўрсатинг.

- A. Пульпит, периодонтит, периостит, остеомиелит
- B. Артрит, остеохондроз
- C. Силоаденит
- D. Отит, лабиринт
- E. Конъюнктивит

5. Бемор бола 6 ёшда, тишда хуружсимон тунги оғриқларга, иррадиация берувчи оғриқларга шикоят қилади. Бу ҳолат қайси касалликка хос?

- A. Ўткир пульпит
- B. Ўрта кариес
- C. Сурункали пульпит

- D. Периодонтит
- E. Остеомиелит

5. Ҳолат масалалари

Вазифа № 1

12 ёшли қиз, овқатланганда тишда оғриқ бўлишига шикоят қилади. Умумий ҳолати яхши объектив кўрилганда чайнов тишда ўрта кариес қаваги аниқланди, қавак юмшоқ оқиш дентин билан тўлган, зондланганда ва перкуссияда оғриқсиз. Сизнинг ташҳисингиз.

Жавоб: Ўткир ўрта кариес.

Вазифа № 2.

10 ойлик қизчанинг онаси шикоят қилади: ёриб чиққан тишларнинг эмаль сатҳида сариғ доғлар ва ғадир-будур бўлишига. Онаси хомиладорлик вақтида токсикоз ва бронхит ўтказган, табиий овқатланиш 3 ойликкача. Сувда фтор миқдори 0.4 мг/л. Стоматологик касалликлар профилактикаси бўйича сизнинг маслаҳатингиз.

Жавоб: Болани соғломлаштириш, кариесни фтор профилактикаси, стоматолог кўригида бўлиш.

Вазифа № 3

4 ёшли боланинг онаси болада ҳарорат кўтарилиши, умумий интоксикация, тишда хуружсимон кучли, тарқалувчи оғриқлар бўлишига шикоят қилади. Сизнинг педиатр сифатида тутган ўрнингиз.

Жавоб: бемор болага биринчи ёрдам кўрсатиб, стоматолог қабулига йўлланма бериш.

6. Назорат саволлари

1. Болаларда учрайдиган асосий стоматологик касалликларни санаб ўтинг.
2. Тиш кариеси қандай патология?
3. Кариесни юзага келтирувчи омилларни эслаб ўтинг
4. Кариеснинг яллиғли асоратларини санаб ўтинг
5. Кариеснинг деформатив асоратларини санаб ўтинг

6. Кариес организм учун қандай хавф туғдириши мумкин?
7. Болалар оғиз бўшлиғи гигиенасини яхшилашда педиатрлар роли қандай?
8. Гигиеник таълим – тарбияни тўғри йўлга қўйишда юзага келаётган муаммоларни келтириб ўтинг
9. Тишларнинг нокариес касалликлари ҳақида нималарни биласиз?

**7.КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАРИ, ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ,
КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ**
Кўргазмалари воситалар, техник воситалар.

Баҳолаш мезонлари

БАЛЛ	БАҲО	ТАЛАБАНИ БИЛИМ ДАРАЖАСИ
86-100	Аъло	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш стандартларини билади. Даволаш режасини тўғри тузади. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради. Касаллик профилактикасини аниқ билади.
71-85	Яхши	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш препаратларини тўғри танлайди, лекин ўз фикрини тўлиқ тушунтиролмайди. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради
55-70	Қониқарли	Касаллик ҳақида оғзаки маълумотга эга. Даволаш стандартини ёмон билади. Тестларда ва ТКФБВ да хатолар қилади.
0-54	Қониқарсиз	Мавзу бўйича маълумотга эга эмас. Тест ва ТКФБВ ларни нотўғри ечади.

Машғулот №3

Мавзу: Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари. Клиникаси, диагностикаси, даволаш. Юз – жағ соҳасидаги туғма кемтиклар.

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Вақти – 6соат	Талабалар сони: - нафар
Ўқув машғулотининг шакли:	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулот
Ўқув машғулотни режаси	1.Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари таснифи 2.Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари клиникаси, ташхиси, даволаш ва профилактикаси 3.Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини даволашда педиатрларни ўрни
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга. оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари ҳақида маълумот бериш. Касалликлар классификацияси, этиопатогенези, клиникаси, диагностикаси, давоси ва олдини олиш чоралари тўғрисида таништириш.	
Педагогик вазифалар: -билимларни тизимлаштириш, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари этиологиясини тушунтиради. -билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладлар тайёрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - билимларни тизимлаштириш, таққослаш, умулаштириш, таҳлил қилиш жараёнларни ташкил этиш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; -гуруҳда ишлаш кўникмаларини	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: -Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини сабабларини санаб беради. -Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари клиникаси, давоси ва профилактикасига таъриф беради; - Беморни текширув режасини тузади. -Стоматитли беморнинг оғиз бўшлиғини медикаментоз ишлов беради.

ривожлантириш	
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, мунозара, “Аквариум” усули, баён қилиш, кластер, “Нилуфар гули”, ҳолат масалаларини ечиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, конспектлар, тарқатма материаллар, график органиайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоада, жуфтликда ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш	1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Олинган билимларни текшириш мақсадида асосий тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказди	1.1.Эшитадилар, мавзуни ёзадилар, саволларга жавоб берадилар ва аниқлаштирадилар.
2-босқич.	2.1. Мавзу бўйича топшириқларни тарқатади. 2.2. Саволлар бериб тингловчиларнинг билимларини фаоллаштиради. 2.3.“ Аквариум” интерактив усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди: 2.4. Дарс машғулоти гуруҳларда ишлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини эълон қилади. Гуруҳда ишлаш қоидаларини	2.1.Саволларга жавоб берадилар. 2.2.Бир-бирларини тўлдиривдилар,фи крларини таҳлил қиладилар.

	эслатади. Иш тартиби ва регламентни аниқлаштиради Мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади.	
3-босқич. Асосий босқич	3.1. Беморни қабулда кўриқдан ўтказди. 3.2.Талабаларнинг амалий куникмаларини баҳолайди. Амалий куникмаларни бажаришда стоматологик асбоблардан фойдаланишни тавсия этади.	3.1.Саволларга жавоб берадилар. 3.2.Бемор куриги. Стоматологик асбоб билан ишлайди.
4-босқич Муҳоком а	4.1. Талабаларни 3- 4 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради. “Нилуфар гули” усулидан фойдаланишни тавсия этади. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади. 4.2. Гуруҳда ишлаш қондаси билан таништиради. Баҳолаш мезонларини ҳам намоиш қилади. Вазифани бажаришда ўқув материалларидан, клиник-лаборатор анжомлардан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. 4.3. Тайёргарликдан сунг такдимотни бошлашни эълон қилади. 4.4. Талабалар жавобини шархлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.	4.1. Ўқув натижаларини такдим қиладилар. 4.2. Саволлар беради. 4.3.Такдимотни утказадилар, вазиятли масалалар, тест ечадилар. 4.4.Жавобларни тўлдиради.
5босқич Якуний босқич	5.1. Машғулотга яқун ясайди, талабаларни баҳолайди, гуруҳда фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 5. 2.Мустақил иш сифатида « Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати	Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

	касалликларини даволашда ишлатиладиган дорилар » мавзуида такдимот тайёрлашни вазифа килиб беради. Гуруҳ фаолиятига умумий балл беради.	
--	--	--

Машғулот режаси:

- 1.Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари классификацияси
- 2.Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари клиникаси, ташҳислаш ва даволаш
3. Юз-жағ соҳасидаги туғма кемтиклар

3. ИНТЕРАКТИВ МЕТОД “Нилуфар гули”

График ташкил этувчилар ёрдамида “Стоматит” муаммосини хал этиш жараёнинин “Нилуфар гули” усулида ўтказиш.

“Нилуфар гули” тимсолини 9 та катта катаклар ва уларнинг ҳар бирини ичида жойлашган 9 та майда катаклар ташкил этади. Талабаларда ижодий аналитик, таҳлилий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

	Х	

	А	

	М	

	Р	

Х	А	М
Р	С	Г
Т	В	Д

	Г	

	Т	

	В	

	Д	

Марказий катта квадрат марказида асосий муаммо “Стоматит” ёзилади. Бу муаммони ечиш ғояларини марказий квадратнинг ён каттакларига ёзилади. Бу саккиз ғояни марказий квадрат атрофидаги 8 та ён катта квадратларни марказига ўтказилади ва улардан ҳар бири алоҳида муаммо тарзида кўриб чиқилади. Барча фикр ва ғоялар тўлдирилиб, умумлаштирилади.

“Аквариум” усули

Гуруҳдан 3 та талаба ажратилиб (“баликлар”) аудитория марказидан ўрин олишади. Уларга вазифа берилади. Масалан, “Оғиз бўшлиғи шиллик қавати яллиғланишида маҳаллий даволаш принциплари”. Баликлар 10-15 минут давомида мавзунини таҳлил қилишади. Қолганлар – кузатувчилар уларнинг тўғри ва нотўғри жавобларини ва ўз фикрларини таҳлил қилишади. Энг яхши фикрли кузатувчи фикр билдирмаган балик билан жой алмашади.

4.Тестлар

1. Ўткир герпетик стоматит кўзқатувчиси:

- А) вирус
- Б) микроб
- В) замбуруғ
- Г) леффлер таёқчаси
- Д) кокклар

2. Энг кўп тарқалган стоматит:

- А) ўткир герпетик стоматит
- Б) қизамиқли стоматит
- В) гриппли стоматит
- Г) бўғмали стоматит
- Д) скарлатинали стоматит

3. Ўткир герпетик стоматитда оғиз бўшлиғидаги биринчи тошма элементи:

- А) пуфакча
- Б) эрозия
- В) афта
- Г) чандиқ
- Д) папула

4. Беднар афтаси қаерда жойлашади?

- А) танглайда
- Б) лунжда
- В) тилда

Г) милкда

Д) лабларда

5. Оғиз шиллиқ қаватининг яллиғланиши термини:

А) стоматит

Б) гингивит

В) глоссит

Г) папиллит

Д) хейлит

6. Ўткир герпетик стоматитни даволовчи препарат:

А) вирусга қарши

Б) антибиотик

В) замбуруғга қарши

Г) витаминлар

Д) кортикостероидлар

7. Молочницада оғиз бўшлиғидаги хос ўзгаришлар:

А) сузмасимон, оқ доғлар

Б) яралар

В) афталар

Г) пуфакчалар

Д) эрозиялар

8. Кандидозли стоматитларда қўлланилади:

А) замбуруғга қарши препаратлар

Б) антибиотиклар

В) витаминлар

Г) антигистаминлар

Д) вирусга қарши

9. Молочницани қўзғатувчи:

А) замбуруғлар

Б) стафилококклар

В) стрептококклар

Г) вируслар

Д) спирохеталар

10. Ўткир герпетик стоматитда профилактика мақсадида ишлатилади?

А) имудон

Б) витамин «А»

В) антибиотиклар

Г) сульфаниламид препаратлар

Д) антигистамин препаратлар

5.Ҳолат масаласи

Бемор 2-3 кун аввал тилда тошма пайдо бўлгани, яллиғланиш ва оғриқ бўлишига шикоят қилади. Обьектив кўрганда: тил учида ва ёнида эрозиялар бор, атрофи қизарган, караш қоплаган, оғриқли.

Ташҳис қўйиш учун қандай текширув ўтказиш лозим?

Жавоб: Ташҳис қўйиш учун объектив текшириш, анамнез йиғиш ва эрозиялардан суртма олиб текшириш ўтказиш лозим.

6.Назорат саволлари

1. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати қандай тузилган?
2. Стоматитларнинг клиник белгиларини санаб ўтинг.
3. Стоматитларга олиб келувчи этиологик факторлар нима?
4. Оғиз бўшлиғи яллиғланганида ишлатиладиган антисептикларни санаб ўтинг.
5. Кератопластиклар нима ва уларни қўллаш мақсади?
6. Оғиз бўшлиғида маҳаллий иммунитетни оширишда сизнинг чоратadbирларингиз.
7. Туғма кемтикларни келтириб чиқарувчи ҳавф омиллари нима?

7..КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАРИ, ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ, КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ

Кўргазмали воситалар, техник воситалар.

Билимларни баҳолаш критерийлари

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш стандартини билади. Даволаш режасини тўғри тузади. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради. Касаллик профилактикасини аниқ билади.
71-81	Яхши	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш стандартини билади. Даволаш препаратларини тўғри танлайди, лекин ўз фикрини тўлиқ тушунтиролмайди. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради.
55-70	Қониқарли	Касаллик ҳақида оқзаки маълумотга эга. Даволаш стандартини ёмон билади. Тестларда ва ТКФБВ да хатолар қилади.
0-54	Қониқарсиз	Мавзу бўйича маълумотга эга эмас. Тест ва ТКФБВ ни нотўғри ечади.

Машғулот № 4

Мавзу: Юз-жағ соҳасидаги ноодонтоген яллиғланиш касалликлари: фурункул, сарамас, куйдирги, нома. Клиникаси.

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Вақти – 6соат	Талабалар сони: - нафар
Ўқув машғулотининг шакли:	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулот
Ўқув машғулотни режаси	1. Ноодонтоген яллиғланиш касаллик-ларининг турлари ва этиологик факторлари 2. Ноодонтоген яллиғланиш касаллик-ларининг клиник манзараси 3. Ноодонтоген яллиғланиш касаллик-ларининг дифференциал диагностикаси 4. Ноодонтоген яллиғланиш касаллик-ларини даволаш тактикаси.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабага фурункул, сарамас, куйдирги, нома ҳақида маълумот бериш. Касалликлар классификацияси, этиологиси, клиникаси, диагностикаси, давоси ва олдини олиш чоралари тўғрисида таништириш.	
Педагогик вазифалар: -билимларни тизимлаштириш, ноодонтоген яллиғланиш касалликлари этиологиясини тушунтиради. -билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладлар тайёрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - билимларни тизимлаштириш, таққослаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш жараёнларни ташкил этиш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; -гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	Ўқув фаолиятининг натижалари: - Ноодонтоген яллиғланишли беморларда сўров ўтказди. - Ноодонтоген яллиғланишли беморларда ташхис қўйиш ва мутахассисга йўналтиради. -жағ-юз соҳасидаги ноодонтоген яллиғланиш касалликлари профилактик чора-тадбирлар ўтказди. - Беморни текширув режасини тузади.

Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, мунозара, “Стол атрофида” усули, баён қилиш, кластер, “Венн диаграммаси”, ҳолат масалаларини ечиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, конспектлар, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоада, жуфтликда ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш	1.1. Мавзунини мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Олинган билимларни текшириш мақсадида асосий тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказади	1.1.Эшитадилар, мавзунини ёзадилар, саволларга жавоб берадилар ва аниқлаштирадилар..
2-босқич.	2.1. Мавзу бўйича топшириқларни тарқатади. 2.2. Саволлар бериб тингловчиларнинг билимларини фаоллаштиради. 2.3.“Стол атрофида” интерактив усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди:	2.1.Саволларга жавоб берадилар. 2.2.Бир-бирларини тўлдиривдилар, фикрларини таҳлил қиладилар.

3-босқич	3.1.Янги машғулоти гуруҳларда ишлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини эълон қилади. Гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади. Иш тартиби ва регламенти аниқлаштиради 3.2. Талабаларни 3та гуруҳга бўлади ва топшириқларни қайтаради. Иш якунланганда қандай натижага эга бўлиши кутилаётгани билан таништиради. 3.3. Такдимотни намойиши ва ўзаро баҳолаш натижаларни ҳал этишни ташкил этади. Изоҳлайди, жавобларни тартибга солади, ўқув жараёни давомида олинган хулосаларга эътибор қаратади. Мавзу муҳокамаси давом этишини эълон қилади.	3.1.Топшириқларни бажаради: -гуруҳ сардори муаммони ҳал этишни ва презентацияни тайёрлашни ташкиллаштиради. 3.2. Презентация билан таништиради. Ўз фикрларини айтади, саволлар беради, бошқа гуруҳларни баҳолайд 3.3. Саволларга жавоб берадилар.
4-босқич. Асосий босқич	4.1.Талабаларнинг амалий куникмаларини баҳолайди. Амалий куникмаларни бажаришда стоматологик асбоблардан фойдаланишни тавсия этади. 4.2. ТКФБВни таркатади.	4.1.Саволларга жавоб берадилар. 4.2. ТКФБВни тўлдиради.
5-босқич Муҳокома	5.1. Талабаларни 3- 4 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради. “Венн диаграммаси” усулидан фойдаланишни тавсия этади. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади. 5.2. Гуруҳда ишлаш қоидаси билан таништиради. Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қилади. Вазифани бажаришда ўқув материалларидан, клиник-лаборатор анжомлардан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. 5.3. Тайёргарликдан сунг такдимотни бошлашни эълон қилади.	5.1. Ўқув натижаларини такдим қиладилар. 5.2. Саволлар беради. 5.3.Такдимотни утказадилар, вазиятли масалалар, тест ечадилар. 5.4.Жавобларни тўлдиради.

6-босқич	6.1. Беморни қабулда кўриқдан ўтказди 6.2..Талабаларнинг амалий куникмаларини баҳолайди. Амалий куникмаларни бажаришда стоматологик асбоблардан фойдаланишни тавсия этади.	6.1. Беморни текширув режасини тузади. 6.2. Амалий куникмаларни бажаради.
7-босқич Якуний босқич	7.1. Машғулотга яқин ясайди, талабаларни баҳолайди, гуруҳда фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 7. 2.Мустақил иш сифатида «Юз-жағ соҳасида учрайдиган тугма кемтиклар» мавзуида такдимот тайёрлашни вазифа қилиб беради. Гуруҳ фаолиятига умумий балл беради.	Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

Машғулот режаси:

- 1.Ноодонтоген яллиғланиш касалликларининг турлари ва этиологик факторлари
- 2.Ноодонтоген яллиғланиш касалликларининг клиник манзараси
- 3.Ноодонтоген яллиғланиш касалликларининг дифференциал диагностикаси
- 4.Ноодонтоген яллиғланиш касалликларини даволаш тактикаси

3. ИНТЕРАКТИВ МЕТОД “Венн диаграммаси”

График ташкил этувчилар ёрдамида “Қарбункул, Сарамас, Қуйдирғи” муаммосини ҳал этиш жарёнини “Венн диаграммаси” усулида ўтказиш. Талабада ижодий-аналитик, таҳлилий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

“Қарбункул, Сарамас, Қуйдирғи” муаммосида ўзига хос умумий ва фарқ қилувчи белгиларни анализ ва синтез қилиш, солиштириш.

Доиралар кесишган жойда муаммонинг умумий белгилари, кесишмаган жойда фарқланувчи, қарши белгилари ёзилади.



“Стол атрофида”

Вазифа ёзилган қоғоз стол атрофида ўтирган талабаларга узатилади. Мавзу: “Ноодонтоген яллиғланиш касалликларини даволаш усуллари”. Ҳар бир талаба қоғозга ўз жавоб вариантини ёзиб, ёнидаги талабага узатади. Ҳамма талабалар ўз жавобларини ёзишгач, муҳокамага ўтилади, нотўғри жавоблар ўчирилади, тўғри жавобларнинг сонига кўра талабалар билими баҳоланади. Бу усулни ҳам ёзма, ҳам оғзаки усулда қўллаш мумкин.

4.Тестлар

1. Фурункул - бу

- а. ёғ қатламининг ўткир йирингли яллиғланиши
- б. ёғ қатламининг махсус шикастланиши
- в. тер безининг ўткир йирингли яллиғланиши
- г. соч фолликуласининг сероз яллиғланиши
- д. соч фолликуласининг ўткир йирингли некротик яллиғланиши.

2. Карбункул – бу

- а. тер безининг ўткир йирингли яллиғланиши
- б. соч фолликуласининг сероз яллиғланиши
- в. тер безининг ўткир йирингли яллиғланиши
- г. соч фолликуласининг сероз яллиғланиши
- д. бир қанча соч фолликуласининг тарқалган йирингли некротик яллиғланиш

3. ЖЮС фурункулининг қўзғатувчиси ҳисобланади:

- а. стрептококк
- б. замбуруғлар
- в. оқиш спирохеталар
- г. тилларанг стафилококклар
- д. микобактериялар

4. Фурункулнинг маҳаллий асорати:

- а. диплопия
- б. тромбофилбит
- в. абсцесс
- г. юз сарамаси
- д. гипертоник криз

5. Юз фурункулининг клиник белгиси:

- а. тери гиперемияси сохаси
- б. кўкиш рангли инфильтроти
- в. юмшоқ тўқималарнинг инфильтроти
- г. қизарган конуссимон инфильтрат
- д. қизғиш – некротик ўчоқли инфильтрат

6. Фурункул қиёсий ташхиси ўтказилади:

- а. куйдирги
- б. нома
- в. фурункул
- г. саркома
- д. сарамас

7. Сарамас юздаги жойлашуви белгиси:

- а. пешона сохасида овалсимон шаклда
- б. лунж сохасида овал шаклида
- в. бурун-лунж сохада капалаксимон нусхада
- г. ёноқ сохасида баргсимон шаклда

Ҳолат масалалари

Вазифа № 1.

Беморга 35 ёш. ЖС клиникасига энгак сохаси терисининг қизариши, зичлашувига шикоят билан келди. Бемор текширилганда шиш ўртасида йирингли – некротик стержень, коллатерал тўқималарнинг шиши аниқланилди. Флюктуация симптоми ижобий. Тана ҳарорати $38,5^{\circ}$, бош оғриғи, иштаҳа йўқолиши кузатилади. Регионар лимфа тугунлари катталашган, оғриқли.

Ташхис қўйинг, даволаш режаси.

Жавоб: энгак йирингли фурункули. Йирингли ўчоқни очиш, некротомия. Антибиотикли даволаш.

Вазифа № 2.

Бемор 40 ёш. бурун-лаб бурмаси сохасидаги оғриққа, шишга шикоят қилади. Тана ҳарорати $39-40^{\circ}\text{C}$, бош оғриғи, кучсизлик, титраш, иштаҳа йўқолганлиги кузатилади.

Кўрикда: бурун-лаб сохасида тўқ қизил рангдаги оғриқли инфильтрат, марказида бир нечта некротик ўчоқчалар кузатилади. Атрофдаги тўқималар шишган, регионар лимфа тугунлари шишган, пальпацияда оғриқли. Юз веналари кўқариши бўйича зичлашган, ипсимон оғриқлар. Тахмини ташхисингиз, даволаш режаси.

Жавоб: карбункул, юз венаси флебит билан асоратланган. Йирингли ўчоқни очиш, дренажлаш, антибиотиктерапия, дезинтоксикацияловчи даволаш.

Вазифа № 3.

Бемор 50 ёш, 3 кундан бери тана ҳарорати, титроқ, кўнгил айнаши, иштаха йўқолишига ҳамда юз соҳасида оғриқли қизариш пайдо бўлишига шикоят билан стоматолог кўригига келди. Текширилганда бемор бурун ва лунж соҳаларида капалак шаклдаги, оғриқли қизариш кўринади. Регионар лимфа тугунлари катталашган. Тахминий ташхисингиз, даволаш режаси:

Жавоб: юз сарамаси. Десенсибилизацияловчи, умумқувват оширувчи терапия. Сульфаниламид препаратлари, витаминлар, тинчлик. ультрафиолет нурланиш тавсия этилади.

6.Назорат саволлари:

1. Фурункул, карбункул, сарамас, куйдирги касалликларининг этиологияси
2. Фурункул, карбункул, сарамас, куйдирги касалликларининг патологик анатомияси
3. Асосий ва қўшимча текширув усуллари санаб ўтинг
4. Ноодонтоген яллиғланиши касалликларни олдини олиш чора-тадбирларни айтинг
5. Консерватив даволаш усуллари айтинг.

7..КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАРИ, ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ, КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ

Кўргазмали воситалар, техник воситалар.

Билимларни баҳолаш критерийлари

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш стандартини билади. Даволаш режасини тўғри тузади. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради. Касаллик профилактикасини аниқ билади.
71-81	Яхши	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш препаратларини тўғри танлайди, лекин ўз фикрини тўлиқ тушунтира олмайди. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради.
55-70	Қониқарли	Касаллик ҳақида оғзаки маълумотга эга. Даволаш стандартини ёмон билади. Тестларда ва ТКФБВ да ҳатолар қилади.
0-54	Қониқарсиз	Мавзу бўйича маълумотга эга эмас. Тест ва ТКФБВ ни нотўғри ечади.

Машғулот №5

Мавзу: Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнлар: бурун синиши, жағларнинг синиши, ёноқ суягининг синиши. Синиш жараёнидаги асоратлар ва уларни олдини олиш. Беморларни парваришlash ва овқатлантириш.

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Вақти – 6соат	Талабалар сони: - нафар
Ўқув машғулотининг шакли:	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулот
Ўқув машғулотни режаси	1. Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнларнинг турлари 2. Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнларнинг клиник манзараси 3. Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнларнинг дифференциал диагностикаси 4. Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнларнинг даволаш тактикаси
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабага юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнлар ҳақида маълумот бериш. Синиш жараёнидаги асоратлар ва уларни олдини олиш, ҳамда беморларни парваришlash ва овқатлантириш тадбирлари тўғрисида маълумот бериш.	
Педагогик вазифалар: -билимларни тизимлаштириш, юз-жағ соҳасидаги синишларда касалликлари этиологиясини тушунтиради. -билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладлар тайёрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - билимларни тизимлаштириш, таққослаш, умулаштириш, таҳлил қилиш жараёнларни ташкил этиш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; -гуруҳда ишлаш кўникмаларини	Ўқув фаолиятининг натижалари: -Юз-жағ соҳасидаги синишларда беморларда сўров ўтказди. -Юз-жағ соҳасидаги синишларда беморларда ташхис қўйиш ва мутахассисга йўналтиради. - Беморни текширув режасини тузади -Беморни парваришлайди ва овқатлантиради.

ривожлантириш	
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, мунозара, “Арии уяси” усули, баён қилиш, кластер, “Балик скелети”, ҳолат масалаларини ечиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, конспектлар, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоада, жуфтликда ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш	1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Олинган билимларни текшириш мақсадида асосий тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказади	1.1.Эшитадилар, мавзуни ёзадилар, саволларга жавоб берадилар ва аниқлаштирадилар..
2-босқич.	2.1. Мавзу бўйича топшириқларни тарқатади. 2.2. Саволлар бериб тингловчиларнинг билимларини фаоллаштиради. 2.3.“Ари уяси” интерактив усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди:	2.1.Саволларга жавоб берадилар. 2.2.Бир-бирларини тўлдиривдилар, фикрларини таҳлил қиладилар.
3-босқич	3.1.Янги машғулотни гуруҳларда ишлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини эълон қилади. Гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади. Иш тартиби ва регламентни аниқлаштиради 3.2. Талабаларни 3та гуруҳга бўлади ва топшириқларни қайтаради. Иш якунланганда қандай натижага эга	3.1.Топшириқларни бажаради: -гуруҳ сардори муаммони ҳал этишни ва презентацияни тайёрлашни ташкиллаштиради. 3.2. Презентация

	бўлиши кутилаётгани билан таништиради. 3.3. Такдимотни намоиши ва ўзаро баҳолаш натижаларни ҳал этишни ташкил этади. Изоҳлайди, жавобларни тартибга солади, ўқув жараёни давомида олинган хулосаларга эътибор қаратади. Мавзу муҳокамаси давом этишини эълон қилади.	билан таништиради. Ўз фикрларини айтади, саволлар беради, бошқа гуруҳларни баҳолайд 3.3. Саволларга жавоб берадилар.
4-босқич. Асосий босқич	4.1.Талабаларнинг амалий куникмаларини баҳолайди. Амалий куникмаларни бажаришда стоматологик асбоблардан фойдаланишни тавсия этади. 4.2. ТКФБВни таркатади.	4.1.Саволларга жавоб берадилар. 4.2. ТКФБВни тўлдиради.
5-босқич Муҳокома	5.1. Талабаларни 3- 4 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради. “Балик скелети ” усулидан фойдаланишни тавсия этади. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади. 5.2. Гуруҳда ишлаш қондаси билан таништиради. Баҳолаш мезонларини ҳам намоиш қилади. Вазифани бажаришда ўқув материалларидан,клиник-лаборатор анжомлардан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. 5.3. Тайёргарликдан сунг такдимотни бошлашни эълон қилади.	5.1. Ўқув натижаларини такдим қиладилар. 5.2. Саволлар беради. 5.3.Такдимотни утказадилар, вазиятли масалалар,тест ечадилар. 5.4.Жавобларни тўлдиради.
6-босқич	6.1. Беморни қабулда кўрикдан ўтказди 6.2..Талабаларнинг амалий куникмаларини баҳолайди. Амалий куникмаларни бажаришда стоматологик асбоблардан фойдаланишни тавсия этади.	6.1. Беморни текширув режасини тузади. 6.2. Амалий куникмаларни бажаради.
7-босқич Якуний	7.1. Машғулотга якун ясайди, талабаларни баҳолайди, гуруҳда фаол	Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

босқич	иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 7. 2.Мустақил иш сифатида « Юз-жағ соҳасидаги синишларда беморларни даволаш принципи ва парваришлашнинг ўзига хос хусусиятлари. » мавзуида такдимот тайёрлашни вазифа қилиб беради. Гуруҳ фаолиятига умумий балл беради.	
--------	---	--

2.Машғулот режаси:

5. Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнларнинг турлари
6. Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнларнинг клиник манзараси
7. Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнларнинг дифференциал диагностикаси
8. Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнларнинг даволаш тактикаси


3. ИНТЕРАКТИВ МЕТОД

“Балик скелети ”

Тарқатма материаллар.График ташкил этувчилар ердамида юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнлар муаммосини ҳал этиш жараенини “балик скелети” усулида утказиш.Бу талабанинг ижодий,тахлилий фикрлашга олиб келади ва амалий куникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Доира ичига муаммо калит суз травма ёзилади.Юкори скелет қисмига травма натижасида келиб чикувчи муаммолар,пастки карама қарши – қисмига ушбу муаммони тасдиқловчи далиллар ёзилади ва узаро боғлаб яқунланади.

Муаммони ҳал этиш ажратилган вақт давомида ва ҳамма гоёлар билдирилгунча давом этади.



“Ари уяси” усули

Гуруҳ талабалари 2та кичик гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга вазифа берилади. Вазифа мавзулари: “Юз-жағ соҳасидаги травматик жараёнлар клиникаси”, “Юз-жағ соҳасидаги синишларда бўладиган асоратлар ва уларнинг олдини олиш”. Мавзу 10-15 минут муҳокама қилинади, сўнг маъруза қилинади ва талабалар билими баҳоланади.

4.Тестлар

1. Очиқ синиш бу:

- а) маълум анатомик соҳа суягининг синиши
- б) бир неча омиллар биргаликдаги таъсири натижасида юз суяклари синиши
- в) юз синишлари юмшоқ тўқималар бутунлигини зарарласа (тери, бўшлиғи, шиллиқ қавати)
- г) икки ёки ундан кўп суякларнинг синиши
- д) юз суякларининг умуман синиқ бўлакларига бўлинмаслиги

2. Комбинацияланган жароҳатлар бу:

- а) маълум анатомик соҳа суягининг синиш
- б) турли хил жароҳатловчи омиллар (механик, куйиш, ўқ отар ва х) билан биргаликда жароҳатлар
- в) юз синишлари юмшоқ тўқималар бутунлигини зарарласа (тери, бўшлиғи, шиллиқ қавати)
- г) икки ёки ундан кўп суякларнинг синиши
- д) юз суякларининг умуман синиқ бўлакларига бўлинмаслиги

3. Юқори жағ синиши Лефор бўйича неча синфга бўлинади:

- а) 2
- б) 4
- в) 6
- г) 3
- д) 5

4. «Кўз ойнак симптоми» қайси суяк синишда юзага келади

- пастки жағ
- ёноқ суяги
- юқори жағ
- энса суяги
- чакка суяги

5. Синиқ бўлакларининг силжиши боғлиқ:

- бош мия лат ейишига
- чайнов мушаклар кучига, нафас олиш даражасига
- суяк қалинлигига
- шикастловчи куч йўналишига, синиқ бўлаклар оғирлигига, мушаклар қисқариш кучига
- асоратлар оғирлик даражасига

6. Юз-жағ жароҳатларининг эрта асоратига киради:

- а) асфиксия
- б) ўтқир нафас етишмовчилиги
- в) шок, коллапс
- г) контрактура
- д) бронхопульмонал асоратлар

7. Жағ-юз жароҳатларида неча турдаги асфиксия ажратилади:

- а) 2
- б) 6

- в) 3
- г) 4
- д) 5

8. Юз жағ жароҳатларининг кечки асоратига кирмайди:

- а) иккиламчи қон кетиши
- б) контрактура
- в) шок, коллапс
- г) бронопульмонал асоратлар
- д) бўлақларни нотўғри консолидацияси

5.Ҳолат масалалари

Вазифа №1

Бемор 25 ёш, юз жароҳати аниқланди. Оғиз ёпа олмайди, оғриқли, юқори лаб шиши, қизариши, қонаш кузатилади. Пальпацияда юқори альвеоляр ўсимта ҳаракатчанлиги, крепитация аниқланди. Сизнинг тахминий ташхисингиз, даво режаси.

Жавоб: юқори жағ Лефор I синиш, вақтинчалик иммобилизация, стоматолог кўригига йўлланма.

Вазифа №2

Бемор 29 ёшда. Жароҳатдан кейинги синиқ бўлақларнинг битмаганлиги аниқланилди. Сизнинг тахминий ташхисингиз.

Жавоб: сохта бўғим.

Вазифа №3

42 ёшли беморда юз жароҳати, бурундан қон оқиши, нафас олиш қийинлашуви. Пальпацияда бурун суяк бўлақларининг ҳаракатчанлиги аниқланди. Сизнинг ташхисингиз. Даво режаси.

Жавоб: Бурун синиши. Стоматолог кўриги, бурун репозицияси.

6.Назорат саволлари

1. Жағ суяқларининг синишида, синиқ бўлақларининг силжишида чайнов мушакларнинг роли қандай?
2. Синиқ чизиғида турган тишни суғуриш шартми?
3. Шикастланишларнинг турларини санаб ўтинг
4. Юз-жағ шикастланишларнинг асоратини айтиб ўтинг
5. Юз-жағ синишларининг профилактик чора-тадбирлари нималардан иборат.
6. Юз суяқлари синишлардаги кеч асоратларга олиб келувчи сабабларни айтиб ўтиб
7. Юз суяқлари синишларда эрта асоратга олиб келувчи факторларни айтинг
8. Контрактура, сохта бўғим нима?
9. Юз суяқларини синишларида консерватив даволаш принциплари нимадан иборат?

**7. КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАРИ, ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ,
КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ**
Кўргазмали воситалар, техник воситалар

Билимларни баҳолаш критерийлари

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
Мавзу:		
86-100	Аъло	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш стандартини билади. Даволаш режасини тўғри тузади. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради. Касаллик профилактикасини аниқ билади.
71-81	Яхши	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш препаратларини тўғри танлайди, лекин ўз фикрини тўлиқ тушунтира олмайди. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради.
55-70	Қониқарли	Касаллик ҳақида оғзаки маълумотга эга. Даволаш стандартини ёмон билади. Тестларда ва ТКФБВ да ҳатолар қилади.
0-54	Қониқарсиз	Мавзу бўйича маълумотга эга эмас. Тест ва ТКФБВ ни нотўғри ечади.

Машғулот №6

Мавзу: Юз-жағ соҳасидаги ўсмалар ва ўсмасимон ҳосилалар. Хавфсиз ва хавфли ўсмалар. Таснифи, эрта ташхислаш, клиникаси, даволаш. Диспансеризациянинг ўсма касалликларини олдини олишдаги аҳамияти.

Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Вақти – 6соат	Талабалар сони: - нафар
Ўқув машғулотининг шакли:	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича амалий машғулот
Ўқув машғулотни режаси	1.Юз-жағ соҳасидаги ўсмалар ва ўсмасимон ҳосилаларнинг турлари 2.Юз-жағ соҳасидаги ўсма касалликларининг клиник манзараси 3.Юз-жағ соҳасидаги ўсма касалликларининг дифференциал диагностикаси 4.Юз-жағ соҳасидаги ўсма касалликларида даволаш тактикаси
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабага юз-жағ соҳасида учрайдиган хавфли ва хавфсиз ўсмаларнинг асосий турлари билан таништириш .	
Педагогик вазифалар: -билимларни тизимлаштириш. Юз-жағ соҳасида ўсма ва ўсмасимон касалликлари этиологиясини тушунтиради. -билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладлар тайёрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - билимларни тизимлаштириш, таққослаш, умулаллаштириш, таҳлил қилиш жараёнларни ташкил этиш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; -гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	Ўқув фаолиятининг натижалари: -Юз-жағ соҳасида ўсма ва ўсмасимон ҳосиласи бўлган беморларда сўров ўтказди. -Юз-жағ соҳасида ўсма ва ўсмасимон ҳосиласи бўлган беморларда ташхис қўйиш ва мутахассисга йўналтиради. - Беморни текширув режасини тузади -Беморда ўсма ва ўсмасимон ҳосилаларнинг олдини олиш чоратадбирларини ўтказди. -Беморни парваришлайди ва овқатлантиради.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, мунозара, “Стол атрофида” усули,

	баён қилиш, кластер, “Кластер”, холат масалаларини ечиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, конспектлар, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоада, жуфтликда ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз- ўзини назорат қилиш, рейтинг tizими асосида баҳолаш

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Мавзуга кириш	1.1. Мавзунини, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Олинган билимларни текшириш мақсадида асосий тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказди	1.1.Эшитадилар, мавзунини ёзадилар, саволларга жавоб берадилар ва аниқлаштирадилар..
2-босқич.	2.1. Мавзу бўйича топшириқларни тарқатади. 2.2. Саволлар бериб тингловчиларнинг билимларини фаоллаштирадиди. 2.3.“Стол атрофида” интерактив усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди:	2.1.Саволларга жавоб берадилар. 2.2.Бир-бирларини тўлдиривдилар, фикр ларини таҳлил қиладилар.
3-босқич	3.1.Янги машғулотни гуруҳларда ишлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини эълон қилади. Гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади. Иш тартиби ва регламентни аниқлаштирадиди 3.2. Талабаларни 3та гуруҳга бўлади ва топшириқларни қайтаради. Иш якунланганда қандай натижага эга бўлиши кутилаётгани билан таништирадиди. 3.3. Тақдиротни намойиши ва ўзаро	3.1.Топшириқларни бажаради: -гуруҳ сардори муаммони ҳал этишни ва презентацияни тайёрлашни ташқиллаштирадиди. 3.2. Презентация билан таништирадиди. Ўз фикрларини айтади,

	баҳолаш натижаларни ҳал этишни ташкил этади. Изоҳлайди, жавобларни тартибга солади, ўқув жараёни давомида олинган хулосаларга эътибор қаратади. Мавзу муҳокамаси давом этишини эълон қилади.	саволлар беради, бошқа гуруҳларни баҳолайд 3.3. Саволларга жавоб берадилар.
4-босқич. Асосий босқич	4.1.Талабаларнинг амалий куникмаларини баҳолайди. Амалий куникмаларни бажаришда стоматологик асбоблардан фойдаланишни тавсия этади. 4.2. ТКФБВни таркатади.	4.1.Саволларга жавоб берадилар. 4.2. ТКФБВни тўлдиради.
5-босқич Муҳокома	5.1. Талабаларни 3- 4 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради. “Кластер ” усулидан фойдаланишни тавсия этади. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади. 5.2. Гуруҳда ишлаш қондаси билан таништиради. Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қилади. Вазифани бажаришда ўқув материалларидан,клиник-лаборатор анжомлардан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. 5.3. Тайёргарликдан сунг такдимотни бошлашни эълон қилади.	5.1. Ўқув натижаларини такдим қиладилар. 5.2. Саволлар беради. 5.3.Такдимотни утказадилар, вазиятли масалалар,тест ечадилар. 5.4.Жавобларни тўлдиради.
6-босқич	6.1. Беморни қабулда кўрикдан ўтказди 6.2..Талабаларнинг амалий куникмаларини баҳолайди. Амалий куникмаларни бажаришда стоматологик асбоблардан фойдаланишни тавсия этади.	6.1. Беморни текширув режасини тузади. 6.2. Амалий куникмаларни бажаради.
7-босқич Якуний босқич	7.1. Машғулотга якун ясайди, талабаларни баҳолайди, гуруҳда фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 7. 2.Мустақил иш сифатида « Юз-жағ	Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

	соҳасида ўсма ва ўсмасимон ҳосиласи бўлган беморларни диспансеризация асослари ва парваришлашнинг ўзига хос хусусиятлари.»мавзуида такдимот тайёрлашни вазифа килиб беради. Гуруҳ фаолиятига умумий балл беради.	
--	--	--

Юз-жағ соҳасидаги ўсма касалликларида умумий даволашни ўтказишни

2.Машғулот режаси:

1. Юз-жағ соҳасидаги ўсмалар ва ўсмасимон ҳосилаларнинг турлари
2. Юз-жағ соҳасидаги ўсма касалликларининг клиник манзараси
3. Юз-жағ соҳасидаги ўсма касалликларининг дифференциал диагностикаси
4. Юз-жағ соҳасидаги ўсма касалликларида даволаш тактикаси


3. ИНТЕРАКТИВ МЕТОД

“Кластер”

График ташкил этувчилар ёрдамида стоматологик беморларни текшириш усуллари муаммосини хал этиш жараёнини “Кластер”-“Тугун” усулида ўтказиш. Талабада очик, эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Марказий катта доирада муаммо калит сўз- “Жағ-юз соҳасида усма касалликлар” сўзи ёзилади ва ёндош кичик доираларда калит сўз муаммони хал этувчи ва у билан боғлиқ сўзлар ёзилади ва бирлаштирилади, ёндош доиралар ўз навбатида майда доиралардаги боғлиқ сўзлар билан бирлаштирилади.

Муаммони хал этиш ажратилган вақт давомида ва ҳамма ғоялар билдирилгунча давом этади.



“Стол атрофида”

Вазифа ёзилган қоғоз стол атрофида ўтирган талабаларга узатилади. Мавзу: “Юз-жағ соҳасида ўсма ва ўсмасимон ҳосиласи бўлган беморни асосий ва қўшимча текширув режаси”. Ҳар бир талаба қоғозга ўз жавоб вариантини ёзиб, ёнидаги талабага узатади. Ҳамма талабалар ўз жавобларини ёзишгач, муҳокамага ўтилади, нотўғри жавоблар ўчирилади, тўғри жавобларнинг сонига кўра талабалар билими баҳоланади. Бу усулни ҳам ёзма, ҳам оғзаки усулда қўллаш мумкин.

4.Тестлар

1. Папиллома бу -

- а) яхши сифатли ўсмасимон касаллик
- б) ёмон сифатли ўсмасимон касаллик
- в) ўсма олди асосланлиги
- г) қон томир ўсмаси
- д) асаб хужайраси ўсмаси

2. Гемангиома бу –

- а) яхши сифатли ўсмасимон касаллик
- б) ёмон сифатли ўсмасимон касаллик
- в) ўсма олди асосланлиги
- г) қон-томир яхши сифатли ўсмасимон ҳосила
- д) асаб хужайраси ўсмаси

3. Лимфангиома бу –

- а) жағ суяги ўсма
- б) лимфа томир яхши сифатли ўсмасимон ҳосила
- в) асаб томир яхши сифатли ўсмасимон ҳосила
- г) чакка пастки жағ бўғими гранулемаси
- д) ёмон сифат ўсма олди касаллиги

4. Гемангиомалар бўлади:

- а) оддий, тугунчали, доғсимон
- б) оддий, рецемоз, каверноз
- в) каверноз, пуфакчали, мураккаб
- г) ясси, оддий, тугунчали
- д) оддий, мураккаб, реценоз

5. Лаб раки бу:

- а) яхши сифатли ўсмасимон касаллиги
- б) ёмон сифатли ўсмасимон касаллиги
- в) яхши сифатли ўсма олди касаллиги
- г) ёмон сифатли ўсма касаллиги
- д) одотоген яллиғланиш тури

5.Ҳолат масалалари

Вазифа №1

Беморга 32 ёш. Тил учида ҳосил бўлган дўмбоқчанинг қонашига шикоят қилади. Кўрилганда тил учида 1-2 мм оёқчали, юмшоқ консистенцияли ҳосила. Сизнинг тахминий ташхисингиз, даволаш режаси.

Жавоб: тил яхши сифатли папилломаси, жаррох стоматологга жўнатиш.

Вазифа №2

Беморга 18 ёш. Косметик нуқсонга шикоят қилади. Юзининг ўнг лунж соҳасида нўхатдай қизарган доғи аниқланади. Босиб кўрилганда доғ оқаради. Тахминий ташхисингиз. Даволаш режаси.

Жавоб: оддий гемангиома. Жаррох стоматологга жўнатиш (криодеструкция).

Вазифа №3

Беморга 55 ёш. Пастки лаб нуқсонига шикоят қилади. Пастки лаб ўрта соҳасида кўп сонли папиллома, асоси инфильтратланган, атроф тўқимасида дискератоз учрайди. Бемор анамнезидан касби пахта теримчиси эканлиги аниқланди, бир неча йил олдин пастки лаб ҳошиясида дўмбоқча пайдо бўлгани аниқланди. Некроз натижасида ўрта соҳаси ярага айланган. Йиллар давомида папилломалар сони кўпайган. Тахминий ташхис. Қўшимча текширув усули, даволаш режасини айтинг.

Жавоб: пастки лабнинг экзофит раки, бемор кўриги, рентген, биопсия. Жарроҳлик усули.

6.Назорат саволлари

1. Юз – жағ соҳасидаги хавфли ва хавфсиз ўсмаларнинг турларини санаб ўтинг.
2. Уларни келиб чиқиш сабабларини айтинг.
3. Яхши сифатли ўсмаларнинг клиник кечиши.
4. Юз-жағ соҳасида учровчи гемангиомаларнинг асосий белгиларини санаб ўтинг.
5. Лимфангиома, клиникаси, даволаш усули.

6. Лаб ракининг асосий белгиси ва клиник кечиши.
7. Тил ва лунж раки ҳақида умумий тушунча бериб ўтинг.
8. Ушбу беморларни даволаш принциплари.

7.КЎРГАЗМАЛИ ВОСИТАЛАРИ, ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ, КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ

Кўргазмали воситалар, техник воситалар

Билимларни баҳолаш критерийлари

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш стандартини билади. Даволаш режасини тўғри тузади. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради. Касаллик профилактикасини аниқ билади.
71-81	Яхши	Талаба касаллик этиологияси, патогенези, клиникасини тўлиқ билади. Беморни текшириш усулини билади. Даволаш препаратларини тўғри танлайди, лекин ўз фикрини тўлиқ тушунтира олмайди. Тестларни тўғри ечади. ТКФБВ ни тўғри тўлдиради.
55-70	Қониқарли	Касаллик ҳақида оғзаки маълумотга эга. Даволаш стандартини ёмон билади. Тестларда ва ТКФБВ да ҳатолар қилади.
0-54	Қониқарсиз	Мавзу бўйича маълумотга эга эмас. Тест ва ТКФБВ ни нотўғри ечади.

Якуний назоратни баҳолаш мезонлари (оғзаки)

Балл	Баҳо	Якуний баҳолаш мезонлари
1-савол: Юз-жағ соҳасининг анатомо-физиологик хусусиятлари.		
15	Аъло	Талаба юз-жағ соҳаси клиник анатомо-физиологик хусусиятларини тўлиқ билади.
12	Яхши	Талаба юз-жағ соҳаси клиник анатомо-физиологик хусусиятларини билади.
9	Қониқарли	Талаба юз-жағ соҳаси клиник анатомо-физиологик хусусиятларини билмайди.
6	Қониқарсиз	Талаба юз-жағ соҳаси мавзулари бўйича маълумотга эга эмас.
2-савол: Стоматологик касалликлар этиологияси, патогенези, клиникаси, таъхислаш ва даволаш.		
15	Аъло	Касалликлар этиологияси, патогенези, клиникасини аниқ ифодалайди. Беморни текшириш усулларини аниқ танлайди. Даволаш стандартини билади ва туза олади. Даволаш режасини тўғри тузади. Мавзу бўйича касалликнинг клиник ва лаборатор-диагностик критерийлари самарадорлигини билади.
12	Яхши	Касалликлар этиологияси, патогенези, клиникасини аниқ ифодалайди. Беморни текшириш усулларини аниқ танлайди. Талаба даволаш режасини тўғри тузади. Касалликнинг даволаш стандартини билади, даволашда препаратларни тўғри танлайди, лекин ўз фикрини тўлиқ тушунтиролмайди.
	Қониқарли	Касаллик ҳақида оғзаки маълумотга эга. Даволаш стандартини ёмон билади, препаратларни танлашда хато қилади, ўз фикрини изоҳлай олмайди. Рецептлар ёзишда хато қилади.
6	Қониқарсиз	Талаба даволаш режасини нотўғри тузади. Даволаш стандартини билмайди, беморга даволаш препаратини танлашни билмайди, ўз фикрини изоҳлай олмайди.
3-савол: Стоматологик касалликлар профилактикаси.		
20	Аъло	Талаба стоматологик касалликларда профилактик чоратadbирларни тўлиқ билади ва ўз фикрини аниқ тушунтира олади.
16	Яхши	Талаба стоматологик касалликларда профилактик чоратadbирларни билади, лекин ўз фикрини аниқ тушунтира олмайди.
12	Қониқарли	Талаба стоматологик касалликларда профилактик чоратadbирларни билмайди, ва тушунчага эга эмас.
8	Қониқарсиз	Талаба стоматологик касалликларда профилактик чоратadbирлар бўйича мавзулар маълумотига эга эмас.

**Тиббий педагогика ва Даволаш иши факультетлари 5-курс талабалари
учун «Стоматология» фанидан 2018-2019 ўқув йилида амалий
машғулотларда рейтинг тизимида талабалар
билимини баҳолаш ва назорат қилиш (54 соат)**

№	Баҳо турлари	Максимал балл	Саралаш бали
1.	Жорий баҳолаш (ЖБ + ТМИ)	45+5	27
2.	Якуний баҳолаш (ЯБ)	50	28
	ЖАМИ	100	55

ЖБ – 456 (100 баллик тизимда ҳар машғулотда баҳоланади)	ЖБ балларини йиғиндиси $85 \text{ бал} + 74 \text{ бал} + 82 \text{ бал} + 79 \text{ бал} + 87 \text{ балл} + \dots = \sum / n = 82 \text{ балл}$ $82 \text{ бал} \times 0.45 = 36.9 = 37 \text{ балл}$ 1. Фаол сўров 2. Рецепт ёзиш 2. Холат масаласини ечиш 3. ТКФБВни тўлдириш
ТМИ – 5 балл Семестр ёки цикл давомида келтирилган МИларни фақат биттаси баҳоланади	- ТМИ учун ажратилган мавзуларни биттасидан Рефератив доклад тайёрлаш (қўлланилган адабиёт муаллифи, номи, нашр этилган жойи ва вақти, бетлари келтирилади) – 5 бет компьютерда терилган тексти(Times New Roman, шрифт 14, интервал 1) – 3 - балл - Презентация ёки кейс ёки проект – гуруҳ тайёрлаганда – 3 балл – 1та талаба тайёрлаганда – 5 балл
ЯБ – 5 0 6	Якуний баҳолашда йиғилган балл (12+12+16)= 40 б Оғзаки 1 савол – 15 бал 2 савол – 15 бал 3 савол – 20 бал
Ўзлаштириши	$УБ = (ЖБ + ТМИ) + ЯБ$ Умумий балл = 37 + 5 + 40 = 82 балл
Рейтинги	$54 \times 82 / 100 = 44.2^* = 44$

- балллар бутун сонлар билан ифодаланади.

Стоматология фанидан V курс талабасининг

Рейтинг дафтарчасини тўлдирилиши:

Фан	Ўқув режада ажратилган соат	Ўзлаштириши	Рейтинг	ФИШ	Сана	Имзо
Болалар стоматолог ияси	54	82	44	С.С.Гулямов		

Фаннинг ўқув юкламаси

Ўқув юкламаси соатларини тақсимланиши (соат)		
Жами	Амалий машғулотлар+маъруза	Мустақил иш
54	32+4	18

Глоссарий

1.	Эмаль	тишни қобиғи, қаттиқ тўқимаси
2.	Дентин	тишни ички қаттиқ тўқимаси
3.	Пульпа	тиш бўшлиғидаги юмалоқ тўқима, томирлар ва нервлардан иборат
4.	Периодонт	тиш илдизи атрофидаги тола структура
5.	Пародонт (Parodont)	таржима қилинганда – тиш атрофидаги тўқималар маъносини берувчи атама. Пародонт ўз ичига: тиш пайлари, суяк, тиш тешиги (альвеола), милк ва периостни олади.
6.	Цемент	тиш илдизни ўрабтурувчи тўқима
7.	Тиш канали (Tooth canal)	томирлар ва нерв ўтиб, тиш марказига келиши учун мўлжалланган, тиш илдизида жойлашган, вертикал узунчоқ, бўш чуқурча, ёриқ.
8.	Милк (Gum)	тиш илдизларини қопловчи оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати. Тишлар орасида милклар тўқимаси тишлараро сўргичларни ҳосил қилади.
9.	Кариес	тишни қаттиқ тўқималарини емирилиши
10.	Пульпит	пульпа тўқимасини яллиғланиши
11.	Периодонтит	тиш илдизи атрофидаги толаларни яллиғланиши
12.	Гингивит (Gingivitis)	Милклар яллиғланиши, мустақил касаллик ёки бошқа бир касалликларнинг симптоми сифатида намоён бўлиши мумкин. Этиологик белгисига кўра бирламчи ва иккиламчи, морфологик жиҳатдан - атрофик, гипертрофик, катарал, некротик, ярали бўлиши мумкин.
13.	Пародонтит (Paradonttit)	тиш атрофи тўқималари яллиғланиши (тиш боғламлари, суяк, тиш тешиги (альвеола), милк ва периост) бир ёки бир нечта тиш атрофида юзага келиши мумкин бўлиб, тиш атрофи пай аппарати ва жағнинг альвеоляр суяқларини шикастлайди.
14.	Стоматит (Stomatitis)	оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг яллиғланиши.
15.	Периостит	жағ суяги устки пардасини яллиғланиши
16.	Остеомиелит	жағ суяги илигини яллиғланиши
17.	Абсцесс	аниқ чегараланган яллиғланиш учоғи
18.	Флегмона	тарқалган яллиғланиш жараёни
19.	Прикус	юқори ва пастки тишларни ўзаро муносабати
20.	Профилактика	касалликларни олдини олиш
21.	Флосслар	тиш иплари тозалаш воситаси
22.	Тиш пастаси (Tooth paste)	тишлар гигиенаси воситаси, тиш четкаси билан бирга тишларни тозалашда қўлланилади.

23.	Реставрация (Restoration)	тиш қатори ёки алоҳида тишнинг функционаллиги ва эстетикасини тиклашга қаратилган стоматологик ишлар мажмуи.
24.	Оғиз бўшлиғи санацияси (Dental health)	тиш-жағ тизими касалликларини олдини олишга ва оғиз бўшлиғи саломатлигига қаратилган даво-профилактик чора-тадбирлар. Ушбу муолажа — стоматологик касалликларнинг асосий чораси.
25.	Пломба (Seal)	тез қотувчи, қалин, пластик стоматологик материал (масса). Тишнинг шакли ва функциясини тиклаш учун тиш бўшлиғи шу масса билан тўлдирилади.
26.	Ортодонтия (Orthodontics)	тиш-жағ аномалиялари этиологияси, профилактикаси ва уларга боғлиқ бўлган юз конфигурацияси, ҳамда функционал бузилишларни бартараф қилишни, ўрганувчи фан. Қисқа қилиб айтганда, врач-ортодонтлар тиш ва жағларни тўғрилайди.

5 курс студентлари учун амалий куникмалар.

1	Ёш боларда огиз бушлигини текшириш
2	Тиш карашларини аниклашда ишлатиладиган асосий текшириш усуллари
3	Даволашга мухтож булган тишларни аниклаш.
4	Стандарт усул ёрдамида тишларни тозалаш
5	Уткир герпетик стоматитни медикаментоз ишлов бериш.
6	Пародонтит ташхисини бажара олиш
7	Жаглардан колип олиш
8	Курув оркали окклюзия турини аниклаш, физиологик тишловни ажрата олиш.
9	Тиш счеткаси билан болага ананавий усул ёрдамида тиш тозалашни ургатиш
10	Мактаб ёшдаги болаларда тулик огиз бушлиги курувини бажариш, даволашга мухтож тишларни аниклаш.

5 курс талабалари учун амалий куникмалар.

1	Ёш боларда огиз бушлигини текшириш Максад: стоматологик курув ойнаси ва зонд ёрдамида огиз бушлиги шиллик каватини, тиш каторларини текшириш, умумий стоматологик статусга баҳо бериш, аномалия ва нормани аниклаш. Бажариш кетма кетлиги: 1. Умумий стоматологик инструментлардан зонд, пинцет ва ойначани олиш. 2. Антисептиклар ёрдамида огиз бушлиги шиллик каватига ишлов бериш 3. Стоматологик ойнача ёрдамида огиз бушлигини текшириб чиқиш 4. Зонд ёрдамида тиш каторларини текшириш 5. Пинцет билан тишларни кимирлаш даражасини аниклаш 6. Тиш формуласини ёзиб тахлил қилиш
2	Тиш карашларини аниклашда ишлатиладиган асосий текшириш усуллари Максад: талабаларга асосий усул ёрдамида тишларни буяш ва тиш карашлари, тошларини аниклашни ургатиш Бажариш кетма кетлиги: 1. Керакли булган инструментларни танлаш (пинцет, стомтаологик ойнача, буёв эритмаси) 2. Огиз бушлиги гигиеник таркибини аниклаш 3. Тишлар юзасини куриштиш 4. Тишлар юзасини буёв ёрдамида буяш 5. Зонд ёрдамида мил кустки ва милк остки тошларини баялганлигини текшириш 6. Гигиеник индексни формула бўйича ҳисоблаб чиқиш
3	Даволашга мухтож булган тишларни аниклаш. Максад: Гуруҳда даволашга мухтож булган тишларни аниклаш Бажариш кетма кетлиги: 1. Керакли булган стоматологик инструментларни танлаш 2. Огиз бушлигини куриқдан утказ 3. Огиз бушлиги шиллик каватини чайиб ташлаш 4. Тиш каторларини текшириб тиш формуласини тулдириш 5. Махсус формула ёрдамида даволашга мухтож булган тишларни аниклаш
4	Стандарт усул ёрдамида тишларни тозалаш Максад: Студент узида стандарт усул ёрдамида тишларни ювишни ургатиш Бажариш кетма кетлиги: 1. Керакли булган стоматологик инструментларни танлаш (тиш пастаси ва шёткаси) 2. Огиз бушлигини чайиш ва шёткани оқар сувда чайиш 3. Хар бир тиш каторини бта сегментга ажратиш 4. Тиш шёткасига тиш пастасини керакли микдорда жойлаш

	5.Тиш шёткасини юкориги унг томон тош каторига йуналтириб керакли булган харакатларни бажариш 6.Огиз бушлигини чайиш 7.Тиш шёткасини чайиш, шёткани совун ёрдамида ювиб ташлаш
5	Уткир герпетик стоматитни медикаментоз ишлов бериш. Максад: Студентга уткир герпетик стоматит булган беморларни шилилк каватида пайдо булган яраларга медикаментоз ишлов беришни ургатиш Бажариш кетма кетлиги: 1. Керакли булган стоматологик инструментларни танлаш(зонд, принцет, стоматологик ойнача, 3% ли водород пероксид) 2.Яралар юзасини пахта валики ёрдамида изоляция килиш 3.Стоматологик ойнача, гладилка ва аппликатор ёрдамида перекись водород билан ярага ишлов бериш 4.Тахлил килиш
6	Пародонтит ташхисини бажара олиш Максад: Студентга парадонтит касаллиги синдромларини мустакил аниклашни ургатиш Бажариш кетма кетлиги: 1. Керакли булган стоматологик инструментларни танлаш(зонд, принцет, стоматологик ойнача, буёв эритмаси) 2.Огиз бушлиги гигиеник таркибини аниклаш 3.Тиш милк чунтагини зонд ёрдамида зондлаш 4.Тиш юзасини эритма билан буяш 5. Зонд ёрдамида мил кустки ва милк остки тошларини буялганлигини текшириш 6.Ташхис куйиш, тахлил килиш
7	Жаглардан колип олиш Максад: Студентга юкориги ва пастги жагдан алгинат хомашёси ёрдамида колип олишни ургатиш Бажариш кетма кетлиги: 1. Керакли булган стоматологик инструментларни танлаш(зонд, принцет, стоматологик ойнача, колба, алгинат хомашёси) 2.Колбага алгинат хомашёсидан керакли микдорда олиш 3.Шпатель ёрдамида хомашёни сув билан аралаштириш 4.Таййор булган массани тож қошигига солиш 5.Олинган колибга бахо бериш
8	Курув оркали окклюзия турини аниклаш, физиологик тишловни ажрата олиш. Максад: Болада тишлов турини аниклаш ва физиологик тишловни патологик тишловдан ажрата билиш Бажариш кетма кетлиги: 1. Керакли булган стоматологик инструментларни танлаш(зонд, принцет, стоматологик ойнача)

	2. Боладан тоғри тишлашни сураш 3.Пастки жағни юкориғи жағга нисбатан жойлашувига бахо бериш 4.Тахлил килиш
9	Тиш четкаси билан болага анъанавий усул ёрдамида тиш тозалашни ургатиш Максад:Болага мустакил равишда тиш шёткаси ёрдамида фантомдан тиш тозалашни ургатиш Бажариш кетма кетлиги: 1. Керакли булган стоматологик инструментларни танлаш, огиз бушлигини текшириш 2. Стандарт усулда тишларни ювиш учун керакли булган тиш-жағ моделини, тиш шёткаси ва флосни танлаш 3. Тиш шёткаси ёрдамида тишларни тугри ювиш усулини курсатиш 4. Флосс ёрдамида тишлар аро юзаларни тозалаш усулини ургатиш
10	Мактаб ёшдағи болаларда тулик огиз бушлиғи курувини бажариш, даволашга мухтож тишларни аниклаш. Максад:Студентга мустакил равишда кариес касаллигини аниклаш Бажариш кетма кетлиги: 1. Керакли булган стоматологик инструментларни танлаш(зонд, принцет, стоматологик ойнача) 2.Доимий ва сут тишларни сонини аниклаш 3.Огиз бушиги шиллик каватига бахо бериш 4.Ёриб чикмаган ва олинган тишлар сонини аниклар 5.Хулоса килиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Maxsudov S.N., Shukurova G.R. Bolalar stomatologiyasi. Toshkent – 2008.
2. Колесов А.А. Стоматология детского возраста. Москва, Медицина – 1991.

Қўшимча адабиётлар:

3. Болаларни даволаш стоматологиясидан амалий кулланма/Т. Сафаров, И. Халилов. – Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт, 1997

Хорижий манбалар

Интернет сайтлари:

4. www.media stom.ru/news/ - Новости стоматологии
5. <http://www.milktooth.ru/> - Детская стоматология
6. <http://www.doctordent.ru/> - Популярная стоматологическая энциклопедия Доктор Дент